

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 523-ҳадис

523 - وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مُحَمَّدِ بْنِ الْأَنْصَارِيِّ الْخَطْمِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ أَصْبَحَ مِنْكُمْ آمِنًا فِي سِرِّهِ، مُعَافًى فِي جَسَدِهِ، عِنْدَهُ قُوَّةٌ يَوْمِهِ، فَكَأَنَّمَا حِيزَتْ لَهُ الدُّنْيَا». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَقَالَ: حَدِيثٌ حَسَنٌ [2346].

«СРИБЕ» بِكَسْرِ السِّينِ الْمُهْمَلَةِ، أَي: نَفْسُهُ، وَقِيلَ: قَوْمُهُ.

523. Убайдуллоҳ ибн Миҳсон Ансорий ал-Хатмий розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

«Кимки нафси омон ва жасади соғлом ҳамда ҳузурида бир кунлик ризқи бўлса, гўёки дунёни тўлалигича ўзига бўйсиндирибди», дедилар.

Имом Термизий ривояти.

Шарҳ: Кўриниб турибдики, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам очиқ-ойдин қилиб соғлиқни бандага берилган неъмат эканини айтмоқдалар.

Инсон учун дунёнинг қўлга киритиш йўлида зарур бўладиган шартлардан энг аввалгиси саломатлик деб эълон қилинишининг ўзи Ислолда кишиларнинг саломатлигига қанчалик эътибор берилишини кўрсатиб турибди. Чунки ушбу ҳадиси шарифда зикр қилинган тинч-омонлик ва еб-ичгулик неъматлари бўлса ҳам соғлиқ неъматини бўлмаса кишига татимайди. Баъзи вақтларда инсон бутун бойлигини сарфлаб бўлса ҳам тани сиҳатликни топа олмайди.

Имом Термизий Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам:

«Қиёмат куни бандадан энг аввал сўраладиган неъмат, унга, сенинг жисмингни сиҳҳатли қилган эмасмидик, сени совуқ сув ила сероб қилган эмасмидик, дейилишидир», деганлар.

Аллоҳ таоло Ўз бандасига берган неъматлар ичида энг аҳамиятлиларидан бири бўлгани учун ҳам соғлиқ неъматни ҳақида охиратда биринчи бўлиб сўралади. Шундоқ экан, банда бу нарсанинг қадрига етмоғи керак. Ундоқ неъматни берган зотга шукр қилмоқ керак. Неъматнинг шукри эса, уни берувчи зотга мақтов сўзлари айтиш ва неъматни неъмат берувчини рози қиладиган йўлда сарфлаш билан бўлади.

Соғлиқ-саломатлик неъматни муҳим бўлгани учун ҳам Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам сиз билан биз умматларига ўша улуғ неъматни доимо Аллоҳ таолонинг Ўзидан сўраб туришни амр этганлар.

Имом Аҳмад Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадиси шарифда қуйидагилар айтилади:

«Аллоҳдан яқийнни ва мустаҳкам соғлиқни сўранглар. Ҳеч бир кимсага яқийндан кейин офиятчалик яхши нарса берилмаган».

Яқийн мустаҳкам иймондир. Демак, бандага Аллоҳ томонидан берилган неъматлар ичида энг биринчи ўринда мустаҳкам иймон турса, ундан кейинги иккинчи ўринда соғлиқ турар экан.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI